

ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Икрамов Равшан Актамович

Чирчиқ давлат педагогика университети профессори,

юримдик фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада, бутун жамият учун миллий маънавият ва маърифат соҳасини янада ривожлантириш борасида алоҳида эътиборни тортадиган баъзи долзарб муаммо ва масалалар ҳам сақланиб қолаётганлиги таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада уларнинг самарали ечимларини топиш жорий йилдаги фаолиятда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши зарурлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: жамият, таълим, тарбия, миллий маънавият, тараққиёт, Янги Ўзбекистон, баркамол авлод, маънавий қадриятлар, инсон камолоти.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ НРАВСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ОБЩЕСТВЕ

Икрамов Равшан Актамович

Профессор Чирчикского государственного

педагогического университета,

кандидат юридических наук

Аннотация: В статье анализируется тот факт, что остаются некоторые актуальные проблемы и вопросы, требующие особого внимания для дальнейшего развития сферы национальной духовности и просвещения всего общества. В статье также раскрывается, что поиск эффективных решений для них будет иметь первостепенное значение в деятельности текущего года.

Ключевые слова: общество, образование, воспитание, национальная духовность, развитие, Новый Узбекистан, зрелое поколение, духовные ценности, совершенство человека.

Ижтимоий фалсафа учун ҳамма замонларда ҳам жамиятнинг умумий ривожига, даврнинг аниқ воқеа-ҳодисаларига, аҳоли қатламлари, ижтимоий

гурухларнинг қандай муносабатда бўлаётгани, маънавий-маърифий ишлар самараси муҳим аҳамиятга эга. Шу асосда жамият тараққиёти, унинг маънавий макони ўрганилади ва таҳлил этилади. Бу жиҳатдан, жамиятнинг маънавий тараққиёти масаласи ҳам замонавий фалсафий фанларнинг муҳим тадқиқот йуналиши ҳисобланади.

Бу мавзунинг Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ масалалари Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарларида, нутқ ва маърузаларида бугунги жамият ривожининг устувор вазифалари сифатида асослаб берилмоқда. Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Бизнинг энг катта бойлигимиз - бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир”[3], деб таъкидлагани асло бежиз эмас[4]. Ҳозирги даврда амалга оширилаётган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жабҳаларида туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этиш масаласини қўймоқда. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан, маънавий юксалишни, иккинчи томондан эса, фуқаролик жамияти қуришда унга таянишни тақозо қилмоқда. Албатта бу тараққиёт йўлини амалга ошириш, яъни, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий омилларидан бири - халқимиз маънавиятини ривожлантириш, юксалтиришдир.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Инсонлар ўзлигини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланди.

Мамлакатимизда ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда, демократик тамойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш каби вазифалар умуминсоний ва миллий кадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади. Жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатининг бош таянчи бўлмоғи керак.

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йили мобайнида биз бу борада улкан ютуқларни қўлга киритдик. Мамлакатимиз эски тоталитар тузум иллатларидан қутулиб, янги муносабатларга асосланган тузумга ўтди. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий муносабатлар ўзгармоқда, фуқаролик жамияти вужудга келмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу мураккаб жараён. Чунки, ислохотлар мустақилликни мустаҳкамлаш, халқнинг онгини аста-секин янги замонга қараб ўзгартириш негизида давом этмоқда. Одамлар онги, тафаккури эса тез ўзгарадиган ҳодиса эмас. Миллий ўзликни англаш, миллий ҳамжиҳатлик, маънавий кадриятларни тиклаш соҳасида кўп ишлар амалга оширилди. Айтиш мумкинки, Ватанимиз қиёфаси ана шу муддат ичида тубдан ўзгарди. Тарихимиз тикланди, улуғ аجدодларимиз номлари оқланиб, улар меросини ўрганиш кенг миқёсда давом этмоқда. Ислон дини иймон-этиқодимиз сифатида қайта тикланди, ўзбек тили давлат мақомини олди. Шулар замирида юртдошларимиз қалбида ўз ўтмиши, буюк ватани билан фахрланиш туйғуси шаклланмоқда. Ўзбек фарзандлари бугун бошини баланд кўтариб, дунё бўйлаб ўзини намоён этмоқда. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғуси билан уйғунлашиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш маънавий етук инсонларни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳам боғлиқ.

Чунки, айна билимлилик ва юкори маънавиятлиликдан ҳамманинг бахт-саодати йўлида фойдаланиш мумкин. Аслини олганда етук инсонларни ақлий фаолиятлари, тафаккури жаҳон фани ва маънавиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб олган баркамол авлодни тарбиялаш, камол топтириш давр талабидир. Жамиятда маънавиятни ривожлантириш ва юксалтиришда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи бир неча ижтимоий институтлар ва омиллар мавжуд.

Юксак маънавиятга эга баркамол авлодни тарбиялашда, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий қадриятларини, маънавиятини шакллантиришда ва юксалтиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилганлиги, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилганлиги оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тизимлари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига доимий эътибор бериб”, келинаётганлигидан далолат беради.

Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Дарҳақиқат, дунёнинг бирорта мамлакатада учрамайдиган маҳалла институтига истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан катта эътибор қаратилиб, обрўси қайта тикланди, ваколати кенгайиб, ҳаётимизда тутган ўрни юксалди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Бугунги кунда маҳаллалар мустақил ижтимоий институт сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва маҳалла жамиятда маънавий-маърифий қадриятлар, соғлом турмуш-тарзи фалсафасининг қарор топиши, баркамол авлодни тарбиялаш, жойларда таълим, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Таълим-тарбия ҳақида гап кетганда, Абдулла Авлониёнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрларини эслаш кифоя, деб ўйлаймиз. Ватанимизнинг ёруғ келажагини белгилайдиган, унинг куч-қудратини таъминлайдиган омиллар орасида таълим-тарбия соҳаси алоҳида ўринга эга.

Шунинг учун ҳам баркамол авлодни тарбиялашнинг бош воситаси бўлган таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида миллий таълим мазмуни ва сифатини замон талабларига кўтариш билан бир қаторда, тараққий топган давлатлардаги ўқув марказларига бориб ўқишларига, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малакаларини оширишларига ҳамда таълим соҳаси билан боғлиқ хорижий маблағ ва грантларни республикага жалб этишига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Қадриятлар ҳам маънавиятнинг таркибий қисимларидан бирини ташкил этади. Улар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланиб боради. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариши, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Табиат ва жамият ҳодисалари инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш, яратувчанлик фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадриятлилик аҳамиятига эга бўлади. Одамларнинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, уларнинг орзу-истаклари, интилишларига мос келмайдиган, табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар сирасига киритиш ноўриндир.

Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат

ва жамият неъматларини, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим[6]. Табиат ва жамият бойликлари, ҳодисаларини қадриятлар сирасига киритилишнинг асосий сабаби-кишилар уларни қадрлайдилар, авайлаб-асрайдилар, чунки, бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини, маънавий – руҳий дунёсини бойитади, яратувчанлик фаолиятига йўллайди.

Маънавий қадриятлар ва уларнинг инсон камолотидаги аҳамиятига тўхташдан аввал, қадриятларнинг турлари ва кўринишларини билиб олиш лозим. Қадриятлар ўз моҳияти, хусусиятлари ва амал қилиш доирасига кўра бир неча турларига ва шаклий кўринишларга бўлинади. Аввало, барча қадриятлар орасида инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати, аҳамияти ҳақида сўзлаш бемаънилиқдир. Инсонсиз борлиқдаги мавжуд барча нарса ва ҳодисалар ўзининг қадриятлилик аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инсон қадр–қимматини эъзозлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этиб келмоқда. Жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг асосий тамойилларидан бири ҳам бозор иқтисодиётига ўтишда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилганлигида чуқур инсонпарварлик моҳияти мавжуддир.

Инсоннинг яшаши учун зарур бўлган барча табиий бойликлар –ер, сув, ҳаво, қуёш, турли маданлар, ўсимликлар, ҳайвонат дунёси ва бошқалар, шунингдек, инсон меҳнати, ҳатти – ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, ҳозирги замон ахборат технологиялари, турар жой, мол-мулк, ноз-неъматлар ва бошқалар табиий ва моддий қадриятлар ҳисобланади. Буларсиз инсоният яшай олмайди. Табиат ва унинг бойликлари биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи

хисобланади. Уларни асраб-авайлаш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳар биримиз маънавий ва амалий жиҳатдан масъулмиз.

Бугунги эзгу ишларнинг ҳаммаси, амалга ошириладиган туб ислохотлар ҳам бутун халқимиз, аввало ёшларнинг маънавий тарбиясига, уларнинг қандай ташкил этилгани ҳамда таълим сифатини таъминлаш даражаси билан боғлиқ экани шубҳасиз. Бу жарёнда турли қараш ва фикрга эга бўлган ёшларнинг ўз позициясини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиши жамиятимизда рўй бераётган янгиланишлар ва ўзгаришларнинг негизи бўлиб қолиши кераклигини давр тақозо қилмоқда. Ўз навбатида бу, жамият тараққиётининг улкан ҳаракатлантирувчи омилларидан бирини ташкил қилади ва ҳар бир ёш авлод вакилининг барча имкониятларини умумий ишга сафарбар этишга кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йилнинг 20 декабрдаги Мурожаатномасида бу борада ниҳоятда муҳим бўлган қуйидаги фикр бежизга алоҳида таъкидланмаган: Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир. Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек: “Заковат бор жойда улуғлик бўлади, Билим бор жойда буюклик бўлади”. Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳаётида, айниқса таълим-тарбияда маънавиятга алоқадор бўлмаган жабҳанинг ўзи йўқ. Шундай экан, маънавий омиллар ҳар бир ёш инсонга ўзлигини англаб олишда катта ёрдам беради, одамзотини улуғлаш, унинг мартабасини кўтаришда таянч ва суянч бўлади. Бу жиҳатдан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва маънавий янгиланиш сиёсати давлатимиз томонидан жорий йилда ҳам ёшларимизнинг ташаббускорлиги, ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ўғил-

қизимизнинг ўз меҳнат натижаларидан баҳраманд бўлиши, манфаатдорлиги, уларнинг ижтимоий салоҳиятини тўла тўқис рўёбга чиқариш учун зарур бўлган имконият эшигини очиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.– 56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й, 6-сон). www.lex.uz.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд –Т.: Ўзбекистон, 2018. 349-бет.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. - 461 бет.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / Қ.Назаров ва бошқалар. –Т.: Маънавият нашриёти, 2021. –Б. 778.
6. Ж.Тулянов, Б.Қодиров , З.Ғофуров. Маънавий юксалиш сари. Тошкент. “Меҳнат”-2000, 103-бет.
7. G‘affarova G.G’. Kreativlik inson kapitalini rivojlantirish omili sifatida. NamDU Ilmiy Axborotnomasi 2024-8-son. 133-137-b
8. G‘affarova G.G’ Kreativlik falsafasi. NamDU Ilmiy Axborotnomasi 2024-6-son. 280-283-b
9. Gulamzhanovna, G.G. (2024). The Need for Creativity in the Development of Human Capital. Miasto Przyszłości, 52, 685–690. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4698>
10. Гаффарова, Г. (2023). Молодежного Сознания В Цифровом Обществе. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4(2), 13-17. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/HCBVN>
11. Gaffarova, G. (2023). Transformations of youth consciousness in a digital society. ISJ Theoretical & Applied Science, 2(118), 1-5.